

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.FIL.01.10 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УЎК: 811.112.2'374

811.512.133'374

САНАКУЛОВ ЗАЙНИДДИН ИБОДУЛЛАЕВИЧ

**СЎЗ ЯСАЛИШИ ВА УНИНГ ЛЕКСИКОГРАФИК АСПЕКТИ
(НЕМИС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИ МИСОЛИДА)**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва
таржимашунослик**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

УЎК: 811.112.2'374

811.512.133'374

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

Contents of dissertation abstract of philosophy (PhD) on philological sciences

Санакулов Зайниддин Ибодуллаевич

Сўз ясалиши ва унинг лексикографик аспекти (немис ва ўзбек тиллари
мисолида)..... 5

Санакулов Зайниддин Ибодуллаевич

Словообразование и его лексикографический аспект (на примере немецкого
и узбекского языков)..... 25

Sanakulov Zayniddin Ibodullayevich

Word formation and its lexicographic aspect (on the example of German and Uz-
bek languages)..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 53

Тошкент– 2021

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSс.03/30.12.2019.FIL.01.10 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УЎК: 811.112.2'374

811.512.133'374

САНАКУЛОВ ЗАЙНИДДИН ИБОДУЛЛАЕВИЧ

СЎЗ ЯСАЛИШИ ВА УНИНГ ЛЕКСИКОГРАФИК АСПЕКТИ
(НЕМИС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИ МИСОЛИДА)

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва таржимашунослик

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида
№В2020.4.PhD/Fil.1523 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.uzmu.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот-таълим тармоғининг (www.ziyounet.uz) манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Рахимов Хуррам Рахимович
филология фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Джумабаева Жамила Шариповна
филология фанлари доктори, профессор

Умарходжаев Мухтар Ишанходжаевич
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат чет тиллар институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Fil.01.10 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 400-уй. Тел.: (998 71) 246-07-88; (998 71) 227-12-24, факс: (998 71) 246-53-21, (998 71) 246-02-24, e-mail: chem0102@mail.ru).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 400-уй. Тел.: (99871) 246-07-88, (99871) 227-12-24, факс: (998 71) 246-53-21, (99871) 246-02-24).

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ кунни тарқатилди.
(2021 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси)

А.Г. Шереметьева,
илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, филол. ф. д., профессор

Н.Э. Абдуллаева,
илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, филология фанлари
бўйича фалсафа доктори (PhD)

И.А. Сиддиқова,
илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
филол. ф. д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон илм-фанида луғатшунослик соҳаси, айниқса, амалий лексикографиянинг жадал ривожланиши тадқиқотчилар учун луғатларнинг туб моҳияти, уларнинг лингвистик ҳамда ижтимоий вазифалари, шунингдек, яратилиш тамойилларини ўрганиш ва уларни илмий асослашни тақозо этмоқда. Зеро, замон талабларига мос луғатлар хорижий тил таълимида беқиёс ўринга эга. Шу сабабли замонавий луғатчиликнинг халқаро тамойилларини қиёсан тадқиқ этиш орқали ўзлаштирилган ижобий жиҳатларни маҳаллий луғатшунослик амалиётига татбиқ этиш бугунги кундаги устувор вазифалардан бирига айланмоқда.

Дунё тилшунослигида лексикография масалалари, луғат тузиш анъаналари, тил ўргатишнинг самарали усулларини хорижий тиллар таълимига жорий этиш орқали тил ўрганувчиларга қулайликлар яратиш доимо тилшунослар эътиборида бўлиб келган. Шу сабабдан турфа луғатлар тузиш, мавжуд луғатларнинг структураси ва моҳиятини ўрганиш, уларнинг қиёсий таҳлилига бағишланган тадқиқотларга талаб ошиб бормоқда.

Мамлакатимизда «Янги Ўзбекистон» барпо этилаётган ва «Учинчи Ренессанс» пойдевори яратилаётган ҳамда таълим соҳасида амалга оширилаётган туб ислохотларнинг ҳозирги даврида илм-фаннинг барча соҳалари қаторида чоғиштира тилшуносликда ҳам туб ўзгаришларга замин яратилмоқда. Бу борада Президентимиз «Ҳозирги вақтда мамлакатимизда яна бир муҳим уйғониш жараёни кечмоқда. ... Шунинг учун ҳозирги кунда ёш авлод вакилларининг билим олиши, илм-фан, инновациялар, адабиёт, санъат ва спорт соҳасидаги истеъдод ва салоҳиятини юзага чиқариши, уларнинг жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этиши учун барча шароитларни яратишга устувор аҳамият бермоқдамиз»,¹ деб таъкидлаган эди. Янги Ўзбекистон шароитида тилшунослик, хусусан, чоғиштира тилшунослик соҳасида ҳам чуқур илмий тадқиқотлар олиб бориш имконияти яралмоқда. Натижада немис ва ўзбек тилларида сўз ясалишининг лексикографик аспекти тадқиқ этиш ҳамда бу борадаги илмий изланишларни янада чуқурлаштириш зарурати туғилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида», 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва

¹ Янги Ўзбекистонни барпо этиш – бу объектив заруратдир / Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг «Янги Ўзбекистон» газетасига берган интервьюси. «Янги Ўзбекистон» газетаси, 2021 йил 17 август. – № 165 (421).

уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолият билан боғлиқ бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ушбу тадқиқот учун танланган мавзу немис ва ўзбек тиллари материалида чоғиштирма аспектда махсус ўрганилмаганлигига қарамасдан унга ёндош бўлган йўналишлар ва унинг таркибий қисмлари чуқур тадқиқ этилган. Жумладан, туркча-русча луғатларда феъл шакллариининг лексикографик ифодаланиши А.Турабаев, кўп тилли фразеологик луғатлар тузиш тамойиллари М.Умарходжаев, арабча-туркийча сўзликнинг лексикографик таҳлили М.Ҳақимжонов, қорақалпоқ ва рус тиллари феъллар семантикасининг лексикографик аспекти Р.Мамбетова, инглиз ва ўзбек тилларидаги лексик омонимларнинг лексикографик талқини Р.Худжаева, терминларнинг лексикографик хусусиятлари С.Акобиров, Д.Қадирбекова ва Д.Ходжаевалар¹ томонидан ёритилган.

Ўзбек тилшунослигида сўз ясалишининг А.Ғуломов, А.Ҳожиёв, шунингдек, морфемаларнинг турли жиҳатлари А.Бердиалиев, М.Жўрабоева, Ё.Тожиёв, С.Усмонов² каби олимлар томонидан атрофлича тадқиқ этилиши ушбу соҳага бағишланган дастлабки луғатлар³нинг яратилишига асос бўлди.

Немис тилида сўз ясалиши муаммоси эса В.Флайшер, И.Барц, В.Мотч,

¹Турабаев А. Лексикографические оформление глагольных форм в тюркско-русских словарях. Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Т., 1971. – 36 с.; Умарходжаев М.И. Принципы составления многоязычного фразеологического словаря (на материале немецкого, узбекского и русского языков). Автореф. дис. ... канд. филол. наук: 10.02.20. – М., 1972. – 27 с.; Ҳақимжонов М.Ю. Маҳмуд Замахшарийнинг “Мукаддат ул-адаб” асаридagi арабча-туркийча сўзликнинг лексикографик таҳлили. Филол. фан. ном. дисс... – Т., 1994. – 105 б.; Мамбетова Р.Б. Лексикографический аспект сравнительно-типологического анализа семантики глаголов знания в Каракалпакском и русском языках. Дис. ... канд. филол. наук. – Т., 1994. – 134 с.; Худжаева Р.М. Инглиз ва ўзбек тилларидаги генетик боғланмаган лексик омонимларнинг самарадорлиги ва уларнинг лексикографик талқини. Фил. фан. бўй. фал. докт... (PhD) дис... – Т., 2017. – 181 б.; Акабиров С.Ф. Лексикографическая разработка терминологии в двуязычных словарях (на материале русско-узбекских и узбекско-русских словарей). Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Т., 1969. – 28 с.; Қадирбекова Д.Х. Инглизча-ўзбекча ахборот-коммуникация технологиялари терминологияси ва унинг лексикографик хусусиятлари. Фил. фан. бўй. фал. докт... (PhD) дис... – Т., 2017. – 150 б.; Ходжаева Д.И. Тилшунослик терминларининг лексикографик таҳлили (инглиз, рус ва ўзбек тиллари изоҳли луғатлари материаллари мисолида). Фил. фан. бўй. фал. докт... (PhD) дис... – Т., 2018. – 188 б.

²Ғуломов А.Г. Проблемы исторического словообразования узбекского языка. Аффексация. Дис. ... докт. филол. наук. – Т., 1955. – 495 с.; О сопутствующих явлениях при аффексации в узбекском языке // Науч.тр. ТашГУ. Вып. – Т., 1963. – С. 27-30. ва б.; Ҳожиёв А. Ўзбек тили сўз ясалиш тизими. – Т.: Ўқитувчи, 2007. – 168 б.; Ўзбек тили сўз ясалиши. – Т.: Ўқитувчи, 1989. – 109 б.; Ҳозирги ўзбек тилида форма ясалиши. – Т.: Ўқитувчи, 1979. – 400 б.; Бердиалиев А. Ўзбек тилида кўшма аффикслар. Филол. фан. ном. дисс... – Т., 1970. – 206 б.; Жўрабоева М. Ўзбек тилида аффиксал омонимия. Филол. фан. ном. дисс... – Т., 1975. – 193 б.; Тожиёв Ё. Ўзбек тилида аффиксал синонимия. Филол. фан. докт. дисс... – Т., 1992. – 451 б.; Усмонов С. Морфологические особенности слова в современном узбекском языке. Автореф. дис... канд. филол. наук. – Т., 1964. – 67 с.

³Ғуломов А., Тихонов А. Н., Қўнғуров Р. Ўзбек тили морфем луғати. – Т.: Ўқитувчи, 1977; Менглиев Б., Баҳриддинова Б., Холиёров Ў. Ўзбек тили сўз ясалиши ўқув луғати (*мактаб ўқувчилари учун*). – Т., 2007.

Л.Айхингер, В.Хенцен, Х.Веллманн, Б.Науманн¹ ва бошқалар томонидан ўз она тиллари нуқтаи назаридан чуқур тадқиқ этилган бўлса, сўз ясовчи бирликларнинг бир тилли (немисча) луғатларга киритилиши масаласи Й.Аллхофф, И.Барц, А.Клоза, В.Мотч, В.Мюллер, Х.Поэте, В.Реттиг, А.Колфф²ларнинг тадқиқотларида ёритилган. Р.Фриш, М.Вачкова, Э.Мюллерлар³ эса ушбу муаммони икки тилли луғатларда ифодаланишини таҳлил қилишган. Шунингдек, И.Хювэринен финча-немисча, Р.Шмидт⁴ немисча-шведча-русча луғатлар мисолида сўз ясалишининг лексикографик аспектини тадқиқ этишган. Немисча сўз ясовчи бирликларнинг рус тилига таржима муқобилларини таҳлил этган ҳолда ушбу тиллар иштирокида мукамал луғат М.Степанова ҳамда Б.Бартков⁵лар томонидан яратилган.

Сўз ясалиши анъанавий ва кенг тарқалган лингвистик ҳодиса ҳисобланса-да ҳозирги кунга қадар немис ва ўзбек тиллари сўз ясалиши тизими қиёсий жиҳатдан махсус тадқиқ этилмаган. Дарсликлар⁶ ва кам сонли мақолалардаги маълумотлар фрагментар характерда бўлиб, ушбу муҳим лингвистик ҳодисанинг моҳиятини тўла ёритиб беролмайди.

Немис ва ўзбек тилларида сўз ясалишини чоғиштирма аспектда монографик ҳолда ўрганиш ҳамда мазкур тиллар доирасида яратилган луғатларда сўз ясалишининг ифодаланишини қиёсий ўрганиш зарурати мазкур тадқиқотимизнинг мавзусини белгилаб берди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг илмий тадқиқот ишлари режасининг «Чоғиштирма тилшунослик, таржимашуносликнинг долзарб масалалари» мавзусидаги илмий тадқиқотлар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади немис ва ўзбек тиллари сўз ясалишининг лексикографик аспектдаги муштарак ва фарқли хусусиятларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

¹Fleischer W. Wortbildung der deutschen Gegenwartssprache. – Leipzig: VEB Bibliographisches Institut, 1969. – 326 s.; Eichinger L.M. Deutsche Wortbildung. Eine Einführung. – Tübingen: Gunter Narr Verlag, 2000. – 269 S.

²Allhoff J. Die Berücksichtigung von Affixen in Wörterbüchern // Worte, Wörter, Wörterbücher: Lexikographische Beiträge zum Essener Linguistischen Kolloquium. – Berlin, 1992. – S. 67-86; Klosa A. Zur Optimierung von Wortbildungsangaben in DaF-Wörterbüchern auf der Basis systematischer Korpusuntersuchungen // Deutsch als Fremdsprache 45.4. Zeitschrift zur Theorie und Praxis des Deutschunterrichts, 2008. Vol. 45. – № 4. – S. 208-215; Motsch W. Wortbildungen im einsprachigen Wörterbuch. Wortschatzforschung heute // Aktuelle Probleme der Lexikologie und Lexikographie, 1982. – S. 62-71; Colff A. Die Komposita in Langenscheidts Grosswörterbuch Deutsch als Fremdsprache // Perspektiven der pädagogischen Lexikographie des Deutschen, 1998. – S. 193-207.

³Frisch R. Lexikographische Beschreibung von Wortbildungselementen in zweisprachigen Wörterbüchern // Von Frames und Slots bis Krambambuli: Beiträge zur zweisprachigen Lexikographie. Referate der zweiten internationalen Lexikographiekonferenz Jyväskylä, 1994. – S. 24-26; Vachkova M. Wortbildung und zweisprachiges Wörterbuch // Das Wort in Text und Wörterbuch. – Stuttgart u. a., 2002. – S. 110-126; Möller E. Komposita – ihre Behandlung in ein- bzw. zweisprachigen Wörterbüchern // Symposium on Lexicography III, 1998. – S. 03-515.

⁴Huvarinen I. Zur Wortbildung in einem deutsch-finnischen Großwörterbuch im Werden – Probleme der Lemmatisierung von Wortbildungselementen // Praxis und Integrationsfelder der Wortbildung, 2000. – S. 31-54; Schmidt R. Grammatik und Lexikographie. Wortbildungsmittel im zweisprachigen Wörterbuch anhand deutscher, schwedischer und russischer Beispiele // Von der Philologie zur Grammatiktheorie. Peter Suchland zum 65. Geburtstag. – Tübingen, 2000. – S. 303-313.

⁵Степанова М.Д. Словарь словообразовательных элементов немецкого языка. – М.: Русский язык, 1979. – 536 с.; Бартков Б.И. Дериватарий (количественный «словарь» аффиксов) современного немецкого языка. – Казань: Бук, 2019. – 107 с.

⁶Benjaminow J.R. Vergleichende Typologie der deutschen und usbekischen Sprache. – T.: Oqituvtschi, 1982. – 220 S.

немис ва ўзбек тилларида сўз ясалишининг асосий бирлик ва тушунчалари, сўз яшаш усуллари ҳамда сўз ясалишида семантик аспектнинг универсал ва дифференциал хусусиятларини чоғиштирма метод ёрдамида аниқлаш;

лексикография амалиётида композита, дериват ва сўз ясовчи аффикслар мисолида сўз ясалишини луғатларга киритиш тамойилларини очиб бериш;

сўз ясалишини луғатларда ифодалашнинг прагматик хусусиятларини асослаш;

тадқиқот материали сифатида танланган немисча-ўзбекча луғатларда композита, дериватлар ҳамда сўз ясовчи аффиксларнинг берилишини танқидий таҳлил этиш ва кузатилган камчиликларни бартараф этиш борасида тавсиялар ишлаб чиқиш;

ўрганилаётган тиллар доирасида сўз ясовчи аффикслар дериватологик луғатини тузиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ҳозирги замон немис ва ўзбек тиллари луғат таркибининг сўз ясалиши бўлими танланган.

Тадқиқотнинг предмети немис ва ўзбек тиллари материалида сўз ясалишининг лексикографик аспекти очиб бериш ҳамда мавжуд немисча-ўзбекча луғатларда сўз ясалишининг ифодаланишини такомиллаштириш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда лингвистик тавсифлаш, чоғиштирма, тарихий-этимологик, компонент таҳлил усули ва лингвостатистик усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилар билан белгиланади:

немис ва ўзбек тилларида сўз ясалиши билан боғлиқ префикс, суффикс каби универсал, циркумфикс, конфикс, уникал морфемалар каби дифференциал ясовчи бирликлар, шунингдек, композицион, деривацион, конверсия, аббревиацион каби умумий ҳамда партикелли феъл яшаш, терс сўз яшаш, контаминация каби хусусий сўз яшаш усуллари асосланган;

немисча-ўзбекча луғатларда композита, дериват ва сўз ясовчи аффиксларни ифодалаш амалиёти луғат сўзлигини саралаш, лемматизация ва луғат микроструктурасидаги “имкон қадар кам жойга имкон қадар кўп маълумотни сиғдириш” тамойили ёрдамида далилланган;

сўз ясалишини луғатларда акс эттиришнинг прагматик хусусиятлари леммадан ясалган ўзакдош композита ва дериватларнинг ўша лемма мақоласига интеграция қилиш орқали босма нашрда «жой тежаш» имконияти, шунингдек, сўз ясовчи бирликларнинг луғатларга алоҳида лемма сифатида киритиш орқали тил ўрганувчиларда сўз ясовчи бирликлар маъноси ва қолипларида янги лексемалар ҳосил қилиш амалий кўникмаларини шакллантириши билан асосланган;

немисча-ўзбекча луғатларда композита, дериват ҳамда сўз ясовчи аффикслар берилишидаги лексикографик структуралар ва луғат мақоласи функционал матний сегментлари, шунингдек, ишлаб чиқилган тавсиявий луғат мақолалари намуналари икки тилли луғат тузишнинг назарий-амалий жиҳатдан бойитиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилар билан белгиланади:

сўз ясалиши тушунчалари ва бирликларининг қиёсий-чоғиштирма таҳлили немис ва ўзбек тилларида мазкур лингвистик бўлимнинг ўзига хослигини аниқлашга хизмат қилиши исботланган;

сўз ясовчи аффикслар немисча-ўзбекча луғатларда алоҳида лемма сифатида киритилмаганлигидан ушбу лексикографик бўшлиқни тўлдириш мақсадида «Немисча-ўзбекча сифат лексемалари дериватологик луғати тузилган»;

тадқиқот манбалари асосида «Немисча-ўзбекча сифат ясовчи аффикслар электрон луғати» яратилган;

диссертация материалларидан таржима ва этимологик босма ҳамда электрон луғатлар яратишда, автоматик (дастурий) таржима муаммоларини ҳал қилишда назарий ва амалий манбалардан бири бўла олиши далилланган.

Илмий тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий-услубий ва илмий-амалий конференцияларда қилинган маърузалар, илмий журналларда чоп этилган мақолалар, хулосалар, таклиф ҳамда тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти унинг ўзбек лексикографиясининг тараққиётига, икки тилли, хусусан, немисча-ўзбекча луғат тузиш тамойилларининг назарий асосларига аниқлик киритишга ва уларни бойитишга хизмат қилиши билан белгиланади. Мавжуд немисча-ўзбекча луғатларда композита, дериватлар ҳамда сўз ясовчи аффиксларнинг берилишини шу кунга қадар хорижлик ва маҳаллий олимлар томонидан тадқиқ этилмаган манба сифатида лексикографик аспектда ўрганилиши ҳозирги замон луғатшунослик назариясини бойитади, икки тилли луғат тузиш ва уларда сўз ясалишининг киритилиши борасидаги илмий жамоатчилик фикрларига аниқлик киритади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган хулосалардан олий ўқув юртлари хорижий филология факультетларида маъруза матнлари, ўқув-услубий қўлланмалар, илмий рисоалар, икки тилли луғатлар яратиш, дарсликлар, шунингдек, «Замонавий лингвистика», «Лексикология», «Лексикография», «Матн лингвистикаси», «Таржима назарияси ва амалиёти» каби фанларга оид маърузалар тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Диссертацияда ишлаб чиқилган назарий ва амалий хулоса, тавсия ва ишланмалар асосида:

немисча-ўзбекча луғатларда композита, дериват ва сўз ясовчи аффиксларнинг ифодалаш амалиётини луғат сўзлигини саралаш, лемматизация ва луғат микроструктурасидаги “имкон қадар кам жойга имкон қадар кўп маълумотни сиғдириш” тамойили ёрдамида очиб бериш борасидаги хулосалардан 2018-2019 йилларда бажарилган «Марказий Осиёда касбий таълимни ривожлантириш» номли лойиҳада фойдаланилган (Тошкент

давлат аграр университетининг 2021 йил 10 июлдаги 1/4-1-2/45-сон маълумотномаси). Натижада назарий ва амалий луғатшуносликнинг лексикографик-меъёрий талаблари, хусусиятлари очиб берилиб, ўзбек луғатчилик назарияси бойитилган ҳамда хорижий тил, хусусан, немис тили таълимини ривожлантиришга эришилган;

сўз ясалишини луғатларда акс эттиришнинг прагматик хусусиятлари сифатида асосланган леммадан ясалган ўзақдош композита ва дериватларнинг ўша лемма мақоласига интеграция қилиш орқали босма нашрда «жой тежаш» имконияти, шунингдек, сўз ясовчи бирликларнинг луғатларга алоҳида лемма сифатида киритиш орқали тил ўрганувчиларда сўз ясовчи бирликлар маъноси ва қолипларида янги лексемалар ҳосил қилиш амалий кўникмаларини шакллантириши борасидаги хулосалардан «Ўзбек сеҳрли эртақлари икки жилдлик типологик каталоги» немис тилидан ўзбек тилига таржимаси» мавзусидаги лойиҳада фойдаланилган (Германия «Olmon-O'zbek ilmiy jamiyati»нинг 2021 йил 15 июлдаги маълумотномаси). Натижада асарларни немис тилидан бевосита ўзбек тилига таржима қилиш жараёнида муқобил лингвистик бирликларни танлашда немисча сўз ясовчи аффикс ва композита ясовчи бирликлар муҳим эканлигини, бу каби бирликларни ўзлаштириш орқали мукамал таржимага эришиш мумкинлигини аниқлашга имкон берган;

немисча-ўзбекча луғатларда композита, дериват ва сўз ясовчи аффикслар берилишидаги лексикографик структуралар ва луғат мақоласи функционал матний сегментлари, шунингдек, ишлаб чиқилган тавсиявий луғат мақолалари намуналари икки тилли луғат тузишни назарий-амалий жиҳатдан бойитиши борасидаги хулосалардан «O'zbekiston» телерадиоканалининг «Адабий жараён» ва «Таълим ва тараққиёт» номли радио эшиттиришларида фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2021 йил 25 июндаги 04-25-1074-сон маълумотномаси). Натижада телевосита орқали радио тингловчиларнинг тилшуносликнинг долзарб муаммолари ҳақидаги тушунчаларини шакллантиришга ва билимларини бойитишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари илмий маъруза кўринишда 6 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган бўлиб, жумладан, 1 та электрон луғат, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, шулардан 5 таси республика ва 3 таси хорижий илмий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, уч боб, хулоса, илова ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, 149 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, илмий янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, апробацияси, нашр этилган ишлар сони ва диссертация тузилиши асосланган.

Диссертациянинг «**Ҳозирги замон немис ва ўзбек тилларида сўз ясалишининг назарий масаласи**» деб номланган биринчи боби сўз ясалиши, унинг замонавий лингвистикадаги талқини, асосий бирликлари, сўз яшаш усуллари ҳамда сўз ясалишида семантик жиҳатлар ва мотивация қиёсланаётган тиллар материалида ўрганилган.

Сўз ясалишининг тил системасида ва шу тариқа тилшунослик назариясида тугган ўрни масаласи борасида турли фикрлар илгари сурилади. XIX аср охири – XX аср биринчи ярмида анъанавий тилшуносликда уни морфологиянинг бир қисми, деб ҳисоблаш тенденцияси мавжуд бўлиб, унинг синтаксис билан алоқадорлиги ҳам тилга олинган. Лексикология тилшуносликнинг мустақил бўлими сифатида ажратилиши билан унинг таркибига сўз ясалиши киритила бошланган. Шундай бўлса-да, ҳозирги замон немис тилшунослигида *Wortbildung* (сўз ясалиши) грамматиканинг бир бўлими сифатида ўрганилиши сабабли у *Wortbildungsmorphologie* (сўз ясалиши морфологияси) ёки *lexikalische Morphologie* (лексик морфология) деб ҳам номланади.

Ўзбек тилшунослигида эса янги сўзлар, асосан, аффикслар орқали ҳосил қилиниши сабабли сўз ясалишининг морфология билан алоқадорлиги айтилиб, у грамматикага боғланади. Қатор адабиётлар, жумладан, «Ўзбек тили»¹, «Ҳозирги ўзбек адабий тили»да² сўз ясалиши муаммосининг морфологияга мансублиги анъанаси сақланиб қолганлигига қарамасдан А.Ҳожиев ушбу қарашлар нотўғри эканлигини асослаб, уни мустақил фан соҳаси эканлигини қайд этган³.

Тадқиқот давомида аён бўлдики, кўпчилик немис тилшунослари *Wortbildung* (сўз ясалиши) терминини қўлласа-да, баъзи адабиётларда⁴ у *Wortbildungsprodukt* (сўз ясалиши маҳсули), *Wortbildungskonstruktion* (сўз ясалиши конструкцияси) дея аталиб, мазкур термин «ясама сўз»ни ҳам англатади⁵.

Ўзбек тилшунослигида «сўз яшаш» икки маънога эга: (1) умуман янги сўз ҳосил қилиш; (2) тил бирликлари ёрдамида маълум усул билан сўз ҳосил қилиш. Ана шу иккинчи маъноси билан «сўз яшаш» бирикмаси лингвистик

¹ Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И. Ўзбек тили. – Т.: Ўқитувчи, 1970. – Б. 90-91.

² Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Т.: Ўзбекистон, 1975. – Б. 108-111.

³ Ҳожиев А. Ўзбек тили сўз ясалиши. – Т.: Ўқитувчи, 1989. – 109 б.

⁴ Donalies E. Die Wortbildung des Deutschen. Ein Überblick. – Tübingen: Müller, 2005. – S. 13.

⁵ Motsch W. Deutsche Wortbildung in Grundzügen. – Berlin: New York, 2004. – S. 3.

термин ҳисобланади, лингвистик тушунчани билдиради¹.

Немис тили сўз яшаш бирликлари сифатида *Wörter* (сўзлар), *Affixe* (аффикслар), *Konfixe* (конфикслар), шунингдек, *unikale Morpheme* (уникал морфемалар), *Syntagmen* (синтагмалар) ва *Sätze* (гаплар) қайд этилади. Ўзбек тилшунослигида эса бундай бирликлар қаторига, асосан, сўз ва аффикслар кириши таъкидланса-да, синтагмалар ҳам бундай вазифада келиши ҳақидаги хулоса тадқиқот давомида илгари сурилди.

Манбалар таҳлилидан аён бўлдики, немис тили сўз яшаш бирликларидан *unikale Morpheme*, *Konfixe* ва *Fugenelemente* (қўшма сўзлар компонентларини боғловчи элементлар) ўзбек тилида мавжуд эмас.

Шундай қилиб, ҳар икки тилда «сўз ясалиши» бир қатор муштарак хусусиятларга эга бўлса-да, немис тилида «Wortbildung» термини «ясама сўз» маъносини ҳам англатади². Қолаверса, *Komposition* (композиция), *Derivation* (деривация), *Konversion* (конверсия), *Kurzwortbildung* (аббревиатура) каби сўз яшаш усуллари ҳар икки тилда, *Kontamination* (контаминация), *Reduplikation* (редупликация) *Partikelverbbildung* (партикелли феъл яшаш), *Rückbildung* (терс сўз ясалиши) эса фақат немис тилида мавжуд.

Немис ва ўзбек тилларида композиталарнинг қиёсий таҳлилидан аён бўлдики, ўзаро қариндош саналмаган мазкур тилларда композиталар бир хил структурага эга. Шу билан бирга композиталарни ташкил этувчи бирликлар ўзбек тилида фақат лексик маъноли сўзлардан таркиб топган бир вақтда, немис тилида бундай функцияда мустақил маъноли сўзлар билан бир қаторда конфикс, (фразали) синтагма, гап ва ҳатто ёлғиз ҳарф ҳам қўлланиши аниқланди. Қолаверса, немис тилидан фарқ қилган ҳолда ўзбек тилида синхрон аспектда бирор компоненти ўз мустақил маъносини йўқотган композиталар қўшма сўзлик хусусиятини ҳам йўқотади, яъни улар содда сўзга айланиши икки тил доирасида муштарак структурага қарамасдан бир қатор фарқли жиҳатлар борлигини кўрсатади.

Немис ва ўзбек тилларида аффиксация усули билан сўз ясалишининг қиёсий-чоғиштира таҳлилидан аён бўлдики, ҳар иккала тилда дериватлар лексик маънога эга сўз ва сўз ясовчи қўшимча (аффикс)дан таркиб топиши ушбу тилларда ўхшаш жиҳат бўлса, дериватларни ташкил этувчи бирликлар мазкур тилларда ўзаро фарқ қилади:

- ўзбек тилида – лексик маънога эга сўз + ўзлашма префикс ва суффикс;
- немис тилида – лексик маънога эга сўз, конфикс, синтагма (фразали бирикмалар, онамастик синтагмалар) + суффикс, префикс ва циркумфикс.

Қиёсланаётган тилларда сўз ясалишининг семантик хусусиятлари сўз ясалиши маъноси ва қолипи ҳамда ундаги мотивация орқали очиб берилади. Сўз ясалишида мотивация ҳар икки тил доирасида тадқиқ этилади, у немис тилида уч даражага ажратилса, ўзбек тилида унинг фақат икки тури ҳақида сўз бориб, улар айнан «мотивация даражалари» деб номланмайди. Немис ва ўзбек тиллари сўз ясалишида «мотивация» ва унинг даражаларини ўрганишда айнан бир хил ва фарқли жиҳатларини билиш орқали нафақат

¹Ҳожиев А. Ўзбек тили сўз ясалиш тизими. – Т.: Ўқитувчи, 2007. – Б. 5.

²Motsch W. Deutsche Wortbildung in Grundzügen. – Berlin: New York, 2004. – 3 S.

кўшма сўзлар маъносини (уларни луғатлардан қидирмасдан ҳам) уларнинг компонентлари маъносидан «чақиш» мумкин, балки ўрганилаётган тилни тизимли ўзлаштириш имкони туғилади.

«Лексикография амалиётида сўз ясалишининг берилиши» деб номланган иккинчи бобда маҳаллий тадқиқотчилар томонидан соҳага оид изланишларда сўз ясалишида лексикографик аспектнинг ўрганилиши, икки тилли, хусусан, немисча-ўзбекча луғатлар типологияси, луғат микроструктурасида сўз ясалишининг ифодаланиш тамойиллари композиталар, дериватлар ҳамда сўз ясовчи аффикслар мисолида ёритилган.

Лексикография сўзларнинг маълум тартибга солинган йиғиндиси, луғат ва унинг тузилиши ҳамда турлари ҳақидаги билим бўлиб, унинг асосий вазифаларидан бири луғат типларини аниқлашдир. Луғатлар типологияси орқали немис ва ўзбек тиллари доирасида эришилган лексикографик ютуқларни сарҳисоб қилишнинг имкони туғилади. Ҳ.Жамолхонов¹ лексикографик типологияси асосида олиб борилган таҳлилдан маълум бўлдики, мавжуд немисча-ўзбекча луғатларнинг барчаси (25 та) лисоний луғатлар бўлиб, улардан 48 фоизи умумий луғатлар қаторига кирса, қолганлари хусусий (махсус) луғатлардир. Ушбу луғатлардан 20 фоизи кўп тилли, 80 фоизи икки тилли. Учинчи аспектга кўра, луғатларнинг 4 фоизи, яъни 1 таси изоҳли луғат саналади. Лексикографик манбаларнинг объекти ва предметига кўра, мазкур луғатларнинг 24 фоизини, яъни 6 та терминологик, 12 фоизини фразеологик ва худди шу фоизини мақол ва маталларга оид луғатлар ташкил этади. Немисча-ўзбекча орфографик, орфоэпик, антропонимик, топонимик, синонимик, частотали, диалектологик, тарихий, интернационал сўзлар, тескари ва этимологик луғатлар ҳозиргача яратилмаган бир вақтда, терминология, фразеология ҳамда мақол ва маталларга оид луғатларнинг улуши ушбу фан тармоғи мутахассислари, шу қизиқувчилари кўплигидан далолат беради.

Луғат яратиш кўп меҳнат ва маҳорат талаб этиши билан бирга, уни тузишда муайян норма, тамойиллар мавжуд бўлиб, бу лексикография назариясининг тадқиқот объектларидан саналади. Мазкур соҳада бажарилган маҳаллий (ўзбек) тадқиқотлар таҳлилидан аён бўлдики, назарий лексикография, айнан, луғат яратиш масаласи тадқиқотчилар эътиборидан четда қолмоқда. Жумладан, ўрганилган соҳага оид (21 та) изланишларнинг 62 фоизида ўзбек тили луғатшунослиги муаммолари ўрганилган бўлса, 33 фоизи икки тил ҳамда 1 та изланишда кўп тиллар материалида амалга оширилган. Шунингдек, баъзи изланишларда (6 та) лексикографик назарияси муайян тор соҳа (асосан, терминология) материалида ўрганилган. Айнан немис ва ўзбек тиллари материалида луғатшунослик соҳасида олиб борилган тадқиқотлар учрамади. Шундай қилиб, сўз ясалиши, хусусан, композита ва дериватлар ҳамда сўз ясовчи аффиксларнинг лексикографик аспекти ёритилган изланишлар тадқиқотимиз давомида учрамади.

Луғатлар муайян лексикографик структуралар асосида яратилади.

¹ Жамолхонов Ҳ. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Т.: Талқин, 2005. – Б. 227-231.

В.Берков уларнинг уч турини қайд этган: (1) мегаструктура (ёки рамочная структура) деганда, луғат қисмларининг ўзаро жойлашиш ўрни тушунилади. Одатий мегаструктура – олдиндан бериладиган маълумотлар матни (сўзбоши, луғатдан фойдаланиш учун кўрсатмалар, қисқартмалар ва шу кабилар), корпус, тугалловчи матнлар (турли-туман иловалар)дан иборат; (2) макроструктура деганда леммаларни луғатда жойлаштириш тартиби (масалан, алифбо, терс, идеографик) назарда тутилади; (3) микроструктура, умуман олганда, луғат мақолаларининг луғатларда берилиш структурасидир.

Луғат микроструктураси, яъни луғат мақолаларини ишлаб чиқиш «*Имкон қадар кам жойга имкон қадар кўп маълумотни сиздириш*» тамойилига асосланади. Аммо бу фойдаланувчи «манфаат»ларига, луғат сифатига таъсир қилмаслиги зарур¹. Айнан мазкур тамойил сўз ясашиши, яъни композита, дериват ва сўз ясовчи аффиксларнинг лексикографик аспекти, уларни луғатларга киритилиш заруратини белгилаб беради.

Лексикографлар (Вийганд, Энгелберг/Лемницер ва шу к.) фикрича, луғат тузишда луғат сўзлигини белгилаб олиш, яъни луғатга киритиладиган леммаларни танлаб олиш леммаселекция термини билан аталиб, унда муайян мезонлар амал қилади. Леммаселекцияда сўз ясовчи бирликлар, хусусан, аффиксларни луғат сўзлигига киритиш халқаро илмий хулосаларда таъкидланади. Жумладан, «... лексик сатҳдан пастда турувчи баҳсли бирликлар унумли сўз ясовчи бирликлар саналади. Буларга, биринчи навбатда, префикс ва суффикслар (*ab-*, *miß-*, *-bar*, *-heit* ва б.) киради. Бир тилли изоҳли луғатларга қараганда леммаселекцияда кўпроқ чекловлар мавжуд бўлган икки тилли луғатларга, ҳеч бўлмаганда, сўз ясовчи бирликлар леммалар сифатида киритилса, улар луғат ҳажмини қисқартириш (жой тежаш) мақсадида луғатга киритилмай қолган композита ва дериватларни фойдаланувчи тушуниши учун енгиллик туғдиради»². Шу билан бирга, «...луғат ўз ичига сўзларни бор бутунлиги ва мураккаблиги билан қамраб олар экан, унда сўз ясашиши каби лексик структуранинг муҳим қисми ҳам катта аҳамиятга эга бўлади»³. Қолаверса, немис лексикографлари С.Энгелберг, Л.Лемнитцерлар (2009) луғатларда сўз ясашишини акс эттириш луғат мақолалари ва луғат грамматикаси ўзаро алоқасига, яъни интеракцияси учун фойдали, луғатларда нафақат сўзлар, балки куйидаги сўз ясовчи бирликларни ҳам киритиш лозимлигини қайд этади: (1) префикс ва суффикслар, айникса, *un-*, *-chen*, *-heit*, *-in* каби унумли аффикслар; (2) алоҳида қўлланганда композита таркибида англлатган маъносига эга бўлмайдиган аффиксоидлар, масалан, *Bombenspiel* композитасидаги *Bomben-*, *Hauptverantwortlicher* сўзидаги *Haupt*⁴ ва б.; (3) *-s-* ёки *-er-* каби от-композита ясашда қўлланувчи боғловчи воситалар ва ҳ.к.⁵. «Сўз ясашишига оид маълумотлар ўқув луғатларида асосий эмас, аммо кўз юмиб бўлмайдиган

¹ Берков В. П. Двухязычная лексикография. – М.: Транзиткнига, 2004. – С. 4.

² Engelberg S., Lemnitzer L. Lexikographie und Wörterbuchbenutzung. – Tübingen: Stauffenburg, 2009. – S. 248.

³ Девкин В. Д. Немецкая лексикография. Учебное пособие для вузов. – М.: Высшая школа, 2005. – С. 65.

⁴ Müller W. Wortbildung und Lexikographie // SnL, 1982. – № 2. – S. 153-188; Gouws R.H. Compounds in Dictionaries: A Semantic Perspective // EURALEX. 1988. – № 1. – P. 91-97.

⁵ Mugdan J. Grammatik im Wörterbuch: Wortbildung // SnL., 1984. – S. 237-308.

аҳамият касб этади: ўқув луғати ҳисобланган луғат [...] луғат қурилишида катта кўламда иштирок этувчи лисоний бирликлар – турли хил сўз ясаш элементларини лемма сифатида қамраб олиши зарур¹».

Демак, сўз ясовчи аффикс ва композита ясовчи бирликларни луғатларга, хусусан, икки тилли луғатларга алоҳида лемма сифатида киритилиши хорижий луғатшунослик амалиётида қўлланилмоқда, бу борада лексикографик тамойиллар, назарий асослар яратилган. Ўзбек луғатчилигида ҳам юқорида зикр этилган ютуқлардан фойдаланган ҳолда луғатлар яратиш мақсадга мувофиқ.

«Немисча-ўзбекча луғатларда сўз ясалишининг берилишини такомиллаштириш» деб номланувчи учинчи боб немисча-ўзбекча луғатлар таҳлили, аниқроғи, ушбу луғатларда композита ва дериватлар, шунингдек, сўз ясовчи аффикслар ифодаланишининг таҳлили масаласи ҳамда тадқиқот натижаларига таяниб тузилган «Немисча-ўзбекча сифат лексемалари дериватологик луғати»нинг лексикографик қиймати талқинига бағишланган.

Тадқиқотимиз предметидан келиб чиқиб, қолаверса, немис тили луғати, асосан, сўз ясалиши (75 %) орқали бойишини инобатга олган ҳолда ушбу параграфда немисча-ўзбекча луғатларда сўз ясалишининг энг сермахсул усуллари: композицион ва деривацион усуллар ҳосиласи композита ва дериватлар берилиши таҳлил этилди. Ҳозиргача немис ва ўзбек тиллари иштирокида 25 дан ортиқ луғатлар яратилганлиги ҳамда уларнинг ҳар бирини таҳлил этиш диссертация ҳажмини ошириб юбориши, қолаверса, ҳар бир луғатга тўхталиш имконсизлиги сабабли таҳлил жараёнида, асосан, иккита луғат диққат марказимизда бўлди:

– Ю.Исмоилов, Ш.Каримов. Немисча-ўзбекча, ўзбекча-немисча луғат. *Тўлдирилган ва тузатилган 4-нашр.* – Т.: Академнашр, 2021 (бундан кейин «Ю.Исмоилов, Ш.Каримов (2021) луғати» дейилади);

– Беньяминов Я., Саидов С. Немисча-ўзбекча ўқув луғати. –Т.: Ўқитувчи, 1991 (бундан кейин «Я.Беньяминов, С.Саидов (1991) луғати» дейилади).

Мазкур луғатлар, бир томондан, ҳозиргача энг кўп ададда нашр этилганлиги сабабли кўп сонли немис тили ўрганувчилари фойдаланилаётган бўлса, бошқа томондан, улар ўзаро 30 йил фарқли даврда (1991-2021) чоп этилган. Ушбу давр оралиғида ўзбек луғатчилик назарияси ва амалиётида содир бўлган ўзгаришларни айнан ушбу луғатлар мисолида очиб бериш мақсадга мувофиқ.

1. Композита ясовчи бирликларнинг луғат леммалари сифатида берилишининг таҳлили. Немис тили сўз ясалишида композиция ўта сермахсуллиги сабабли луғат сўзлигига ҳар бир композитани киритиш луғат ҳажмининг ошишига олиб келиш нуқтаи назаридан композита ясовчи бирликларни алоҳида лемма сифатида луғатларга киритиш мазкур масалага лексикографик ечим бўлади. Бу хорижий луғатчилик амалиётида ўз исботини топган.

Дастлабк статистик таҳлилларимиздан маълум бўлдики, Ю.Исмоилов,

¹Poethe H. Wortbildung im Großwörterbuch Deutsch als Fremdsprache // Das Lernwörterbuch Deutsch als Fremdsprache in der Diskussion, 1996. – S. 189.

Ш.Каримов (2021) луғати деярли 23 мингта леммани қамраб олган бўлиб, ҳар бир бетга ўртача 46 та лемма киритилган. Ушбу сўзликнинг деярли 42 фоизини композиталар, ўз навбатида, уларнинг тўртдан уч қисмини от-композиталар, 21 фоизини сифат-композиталар ташкил этади (1-расм).




1-расм. Ю.Исмоилов, Ш.Каримов (2021) луғатига киритилган леммалар статистик таҳлили

Ушбу композиталарнинг ҳар бири алоҳида лемма сифатида берилган.

Шундай қилиб, хорижий лексикография амалиётида луғатларга сермахсул композита ясовчи бирликларни лемма сифатида киритиш тамойили ушбу луғатда ўз аксини топмаган.

Таҳлил этилган навбатдаги Я.Беньяминов, С.Саидов (1991) луғатининг статистик таҳлилидан аён бўлдики, унга 6657 лемма киритилган, ҳар бир бетда ўртача 18 та лемма берилган. Луғат сўзлигининг 1894 тасини, яъни 28 фоизини лемма сифатида киритилган композиталар ташкил этади. Шунингдек, луғатда 1268 та композиталар лемма мақоласига ~ (тильда) белгисидан кейин ўзақдош лексемалар сифатида интеграция қилинган. Мас, [Sach/katalog, ~ kenntnis, ~ kenner, Schnee/fakk, ~ flocke, ~ räumer, ~ schmelze, ~ gestrüber, ~ glöckchen, ~ haufen, ~ huhn ...]. Демак, ушбу луғатга 3162 та ёки умумий леммаларнинг 47 фоизини композиталар ташкил этади (2-расм). Шунингдек, композиталарнинг асосий қисмини, яъни 87 фоизини от-композиталар, сифат-композиталарнинг улуши деярли 7 фоизни ташкил этса, қолган 6 фоиз феъл- ва равиш-композиталарга тўғри келади.



2-расм. Я.Беньяминов, С.Саидов (1991) луғатига киритилган леммалар статистик таҳлили

Мазкур икки луғатнинг қиёсий статистик таҳлили шуни кўрсатдики, Ю.Исмоилов, Ш.Каримов (2021) луғатида берилган леммаларнинг 42 фоизини, Я.Беньяминов, С.Саидов (1991) луғатида эса 47 фоизини композиталар ташкил этиб, композита ясовчи бирликлар лемма сифатида луғат сўзлигига киритилмаган (1, 2-расмлар).

Шундай қилиб, луғат сўзлигининг 45 фоизини ташкил этувчи композиталар ушбу луғатларга алоҳида лемма сифатида киритилган, бу луғат ҳажми ошиши, натижада босма луғат асосий тамойилларидан бири «*Имкон қадар кам жойга имкон қадар кўп маълумотни сиздириши*»¹ бузилган. Аниқланган мазкур лексикографик бўшлиқни тўлдириш мақсадида қуйидаги сифат-композита ясовчи сермахсул элементлар намуна сифатида тадқиқотимиз давомида ишлаб чиқилди ва «Немисча-ўзбекча сифат лексемалари дериватологик луғати»га киритилди:

halb- қўшма сифат ясовчи маҳсулли элемент, кўп маъноли;

1. Ўзакдан англашилган маъно, белгининг фақат қисман, тўлиқ эмаслигини ифодалайди; **halbautomatisch** ярим автоматик; ярим автомат..., **halbbitter** <eine Schokolade> қисман аччиқ; бироз тахир, **halblaut** пичирлаб, шивирлаб, паст овоз билан, **halbtrocken** <ein Wein> ярим курук/қуриган, нимхуш.
2. Ўзакдан англашилган вақт миқдори ярмини англатади; **halbjährig** ярим йил мобайнидаги, ярим йиллик, **halbjährlich** ярим йилда бўладиган, ярим йиллик, **halbstündig** ярим соатлик, **halbstündlich** ҳар ярим соатда бўладиган, **halbtägig** ярим кун мобайнидаги, ярим кунлик, **halbtäglich** ҳар ярим кунда, бир кунда икки марта бўладиган.

wohl- (кўпинча сифатдош билан бирга), урғули, қўшма сифат ясовчи маҳсулли элемент;

Ўзакдан англашилган маъно (нисбатан) кўп миқдорда ёки маъкул (кутилган) даражада мавжудлигини ифодалайди; **wohlerzogen** <ein Kind> яхши тарбия кўрган, тарбияли, одобли, хушахлоқ, **wohlgeformt** <Beine, eine Figur> хушбичим, келишган, **wohlgesinnt** <jemandem wohlgesinnt sein (= jemandem freundlich gegenüberstehen)> яхши (эзгу) ниятли, нияти холис; яхши (эзгу) ният билан қилинган, беғараз, **wohlklingend** <eine Stimme> кулоққа ёқадиган, ёқимли, хушовоз, хушоҳанг, оҳангдор, **wohlproportioniert** <eine Figur, ein Körper> ҳажми ёки ҳиссасига яхши мос келадиган, мос, мутаносиб, **wohlriechend** <ein Parfüm> хуш исли, хушбўй, муаттар, **wohlschmeckend** <ein Gericht> мазали, лаззатли, тотли, ширин, хушхўр.

1-НЛМ². Тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган намунавий луғат мақолалари (halb-, wohl-)

Ушбу намунавий мақолалардан келажакда луғатлар тузишда андоза сифатида фойдаланиш тавсия этилади.

2. Луғат мақоласида муайян леммадан ҳосил қилинадиган ўзакдош композита ва дериватларни ўша леммага интеграция қилиниши таҳлили.


Хорижий луғатшунослик амалиётида луғатларга сўз ясовчи бирликларни лемма сифатида киритиш билан бирга, луғат мақоласида лемма асосидан ясалган ўзакдош композита ва дериватларни ўша лемма мақоласига интеграция қилиш орқали «жой тежаш»га эришилади. Ушбу аспект таҳлил

¹ Берков В.П. Двухязычная лексикография. – М.: Транзиткнига, 2004. – С. 4.

² Намунавий луғат мақоласи.

этилаётган луғатлар материалида ўрганилди.


Статистик таҳлил натижаларидан маълум бўлдики, Ю.Исмоилов, Ш.Каримов (2021) луғати сўзлигининг ўртача учдан икки қисми композита ва дериватлар улушига тўғри келади, ундаги дериватлар сони композиталардан деярли тўрт баробар кам. Худди композиталарда кузатилганидек, от-дериватлар аффиксация усулида ҳосил қилинган лексемаларнинг асосий қисмини ташкил этади (3-расм).



3-расм. Ю.Исмоилов, Ш.Каримов (2021) луғатига киритилган леммалар статистик таҳлили

Демак, Ю.Исмоилов, Ш.Каримов (2021) луғатида берилган сўзликнинг ўртача 65 фоизини композицион ва аффиксация усулларида ҳосил қилинган лексемалар ташкил этса-да, уларнинг ҳар бири луғатда алоҳида лемма сифатида берилган, яъни лемма асосидан ясалган композита ва дериватлар ушбу лемма мақоласига ўзакдош леммалар сифатида интеграция қилинмаган.

Таҳлил этилаётган навбатдаги луғат Я.Беньяминов, С.Саидов (1991) луғати хорижий луғатчилик амалиётида қўлланилаётган тамойиллар асосида тузилганини лемма мақоласига у ёрдамида ҳосил қилинадиган композита ва дериватлар ҳам киритилишида кўриш мумкин (4-расм).



4-расм. Я.Беньяминов, С.Саидов (1991) луғатига киритилган леммалар статистик таҳлили

Статистик таҳлилдан маълум бўлдики (4-расм), Я.Беньяминов, С.Саидов

(1991) луғати сўзлигининг ўртача бешдан тўрт қисмини ташкил этаётган композита ва дериватларнинг ҳар бири (Ю.Исмоилов, Ш.Каримов (2021) луғатидан фарқли ўлароқ) алоҳида лемма сифатида эмас, балки лемма асосидан ясалган ўзакдош ясама сўзлар, аниқроғи, ўзакдош композита ва дериватлар ўз сўз ясалиши асоси бўлган леммадан кейин унинг мақоласига интеграция қилинган, бундай бирликлар луғатга киритилган композита ва дериватларнинг ўртача 19 фоизини ташкил этади.

Лемма асосидан ясалган ўзакдош композита ва дериватлар ўз сўз ясалиши асоси бўлган леммадан кейин унинг мақоласига интеграция қилиш муайян луғатшунослик тамойилларига асосланади ва у луғат микроструктурасида ўз аксини топади. Шу сабабли Я.Беньяминов, С.Саидов (1991) луғатининг ушбу аспекти қуйидагича ўрганилди ва бу жараёнда йўл қўйилган қатор жузъий хатолар аниқланиб, уларнинг лексикографик ечими ишлаб чиқилди:

а) икки тилли луғатлар, одатда, алифбо тартибида тузилганлиги сабабли лемма мақоласига ундан ҳосил қилинган ясама сўзнинг биринчи компоненти бўлган лексемалар лемма сифатида танланади ва лемма ~ (тильда) белгиси билан алмаштирилади. Аммо Я.Беньяминов, С.Саидов (1991) луғатида лемма ясама сўзнинг иккинчи компоненти бўлган бир неча қўшма сўзлар киритилганлиги натижасида «леммаларнинг алифбо тартибида жойлашиши» тамойили бузилган (5-расм).

Fahrt <i>f</i>	сафар, саёҳат
See ~	денгиз сафари, сузиш
Lager <i>n</i>	лагер; омбор
Das Pionier ~ .	пионерлар лагери
Laterne <i>f</i>	фонус, фонарь
Hand ~ <i>f</i>	қўл фонуси
Satz <i>m</i> (Sätze) <i>gram.</i>	гап
Frage ~ <i>m</i>	сўроқ гап
